4 - МАЙ 1992

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ШАВВАЛ, 28-КУН. ● ШАМСИЙ, 1371 ЙИЛ, САВР, 11-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг рўзномаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1992 ЙИЛ 1 МАЙ, ЖУМА, 84-СОН • 335 • | НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН. СОТУВДА 1 СЎМ.

БЎЗ ЯЛАНГТЎШИ

Абдумутал Мамиралиев кўп йиллардан бери Бўз районидаги Юсуфжон Шодмонов номли жамоа хўжалигида пахтачилик бригадасига бошчилик қилади. Ўтган йили деҳқонлар 92 гектар экин майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтаришиб, энг юқори натижага эришган эдилар. Бригада жамоаси бу йил ана шу ютуқни мустаҳкамлаш ниятида. Шу кунларда ғўза қатор ораларига дастлабки ишлов бериш бошлаб юборилди.

СУРАТДА: Абдумутал Мамиралиев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.



РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ҚАШҚАДАРЁДА

29 апрель куни И. А. Каримов Қашқадарёда бўлди. Республика Президенти кейинги кунларда сурункали ёққан ёмғир ва жаладан зарар кўрган Қарши, Нишон, Ульянов, Косон райони хўжаликларида бўлиб, табиий офат оқибатларини бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ва баҳорги ишларнинг бориши билан танишди. Офат оқибатларини қисқа муддатларда тугатишда вилоят хўжаликларига кўмаклашиш учун тегишли вазирликлар раҳбарларига кўрсатмалар берилди.

Шу куни вилоят ҳокимлиги мажлислар залида Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов вилоят фаолларн билан учрашди.

Учрашувда вилоят халқ хўжалигини иқтисодий таназзулдан чиқариш, экиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш, табиий офат сабабли кўрилган зарар оқибатларини бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов учрашувда нутқ сўзлади. Йиғилишда республика Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Қашқадарё вилояти ҳокими Т. П. Хидиров иштирок этди.

БУХОРОЛИҚ ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОНЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 29—30 апрель кунлари Бухоро вилоятида бўлди.

Илгари хабар қилинганидек, 28 апрель куни рўй берган табиий офат — сел ва бўрон туфайли Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги 100 миллион сўмликдан зиёд зарар кўрди. Эндигина униб чиққан 92 минг гектар ердаги ғўза ниҳоли сув остида қолди.

Президент табиий офатдан жиддий талофат кўрган Жондор, Вобкент, Бухоро, Шофиркон, Ромитан, Пешкў районлари деҳқонлари ҳамда фермерлари ҳузурида бўлди. Улар билан табиий офат оқибатларини бартараф этиш қандай бораётгани, деҳқонларга кўрсатилаётган амалий ёрдам, уларнинг турмушини яхшилаш хусусида суҳбатлашди.

Бутун Республика бухороликларга мадад бермоқда. Кўрилган зарарни қоплаш учун, жумладан, 3 минг тонна чигит, қишлоқ хўжалик техникаси учун 5 минг тонна ёнилғи, 5 минг тонна селитра ва 3 минг тонна аммофос ўғити етказиб берилади.

30 апрель куни Бухоро вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида район ва шаҳар ҳокимлари, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси раҳбарлари, табиий офатни тугатиш бўйича тузилган вилоят штабининг аъзолари иштирокида кенгаш ўтказилди. Бу йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида республика Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Бухоро вилояти ҳокими Д. С. Ёдгоров қатнашдилар.

(ЎЗА).

Водийларни яёв кезганда...

ТУЗ ҚАДОҚЛАШ ЦЕХИ

● СУРХОНДАРЁДАГИ Хўжаикон Ўзбекистон Республикасининг асосий туз манбаидир. Ундан ҳар йили 600 минг тонна хом ашё қазиб олинади. Яқинда мазкур конда тузни майдалаб, қадоқлайдиган цех ишга туширилди. Энди бу ерда 1 ва 2 килограммлик қадоқланган туз тайёрланади.

МУРУВВАТ

● БАЛИҚЧИ районида яшовчи меҳнат фахрийси Л. Ёқубова Саудия Арабистонига зиёратга бориш учун тўплаган пулини қадрдон маҳалласидаги 67 та ночор оилага сарфлашга қарор қилди. Саховатли аёл ҳозирги оғир шароитни ҳисобга олиб, район меҳр-мурувват ходимлари ёрдамида савдо тармоқларидан ҳар бир оилага бир минг сўмлик газлама, арзон нархдаги болалар кийимлари харид қилди ва уйма-уй тарқатиб чиқди.

Район меҳр-мурувват жамғармаси ташаббуси билан 9 та қишлоқ кенгашлари қошида мазкур жамғарманинг бўлимлари очилиб, мурувватли кишилар ва меҳнат жамоаларн ёрдамида камбағал ва ногиронларга имкон қадар ёрдам берилмоқда.

ХАЛҚАРО ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ

● ТЕРМИЗДА «Бактрия совғини» деб номланган иккинчи халқаро шахмат мусобақаси бошланди. Ўзбекистон Маданият жамғармаси Сурхондарё бўлими ташкил этган бу мусобақада Афғонистон, Қозоғистон, Россия, Татаристон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон шахматчилари куч синашмоқда. Катта спорт анжуманида Сурхондарё вилояти шахматчилари ҳам шахсий ва команда биринчилиги учун мусобақаларда қатнашадилар. Шахмат беллашуви 6 майгача давом этади.

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

● ПАХТАОБОД районидаги етим болалар мактаб-интернатида тарбияланаётган кичкинтойлар кўнгли қувончга тўлди. Уларга Туркия, Голландия ва бошқа хорижий мамлакатларда тайёрланган уст-бош ва пойабзал тарқатилди. Инсонпарварлик ёрдами тариқасида юборилган ранг-баранг куртка-лар, кўйлаклар болаларга нақадар ярашган бўлса, дўстларимиз юборган ва етимлар дастурхонини тўкин қилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам уларнинг севинчига-севинч қўшди.

(ЎзА).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

РАНГ КЎР — ҲОЛ СЎР

ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУННИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг Тил ҳақидаги қонунни амалга ошириш биринчи галдаги вазифа бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича комиссиясининг навбатдаги мажлиси мазкур вазифага бағишланди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси комиссияси қарорларининг бажарилиши тўғрисида Вазирлар маҳкамасининг маданият, ахборот ва туризм бўлими мудири А. Кўчимов ахборот берди. Давлат тили ҳақидаги қонун ва дастурнинг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида қандай бажарилаётганлиги ҳақида Атамақўм раиси ўринбосари Ҳ. Бектемиров ва авиакомпаниянинг бош директори Ғ. Рафиқов ахборотлари тингланди.

Ахборотда айтилишича, Ўзбекистон миллий авиакомпанияси марказий идораси ва унинг тармоқларида Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари А. Тарсуков ўзбек тилини билмагани ҳолда тил комиссиясининг раиси қилиб тайинланган. Ўзбек тилига ва миллий кадрларга нисбатан беписанд муносабатда бўлиш авиакомпанияда иш услубига айланиб қолганлиги, умуман давлат тилига эътиборсизлик ҳар қадамда учраб турганлиги жиддий ташвиш билан қайд қилинди. Мажлисда авиакомпания бош директори Ғ. Рафиқов давлат тилини жорий қилиш бўйича... рус тилида ахборот берганлигининг ўзиёқ кўп нарсани ойдинлаштиради...

Мажлис иштирокчилари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида давлат тилини амалга ошириш ишларини қониқарсиз деб топдилар ва унинг раҳбарлари зиммасига қисқа муддат ичида аҳволни тубдан ўзгартириш вазифасини топширдилар.

Шунингдек, мажлисда Атамақўм раиси О. Ёқубов русча-байналмилал атамаларнинг ўзбекча муқобиллари ҳақида маъруза қилди ва дастлабки атамалар мажлис иштирокчилари томонидан тасдиқланди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров иштирок этди.

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

ТЕРМИЗ гўшт комбинатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари кўпаймоқда. Бу ерда АҚШ, Голландия фирмаларидан келтирилган асбоб-ускуналар ўрнатилгач, колбасанинг бир неча тури, котлет ва бошқа ярим фабрикат маҳсулотлари тайёрлашга киришилди. Энг муҳими, комбинатда тозалаш иншоотлари ўрнатилиб, шаҳар ҳавосини бузадиган чиқиндилар камайишига эришилди.

Ўзбекистон гўшт-сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ўтказилган республика семинар кенгаши қатнашчилари комбинатда бўлиб, ана шу янгиликлар билан танишдилар, тажриба алмашдилар.

Ч. ТЎХТАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Е. С. ТЕМКИННИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Евгений Сергеевич Темкин бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси давлат қурилиш ишлари қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 29 апрель.

ЖАҲОН МАТБУОТИ С. ДЕМИРЭЛНИНГ ЎРТА ОСИЁГА САФАРИ ҲАҚИДА

Туркия Республикаси Бош вазири С. Демирэл бу расмий сафарини бошлашдан олдин Анқарада матбуот конференцияси ўтказиб, биз Ўрта Осиё Республикаларининг сиёсий ва иқтисодий тизимларини яратишлари ҳамда демократия ва бозор иқтисодиётига ўтишлари учун барча имкониятларимиз билан кўмаклашамиз, яъни уларнинг ўз мустақилликларини сақлаб қолишларига ёрдам берамиз, деган эди. Маълумки, С. Демирэлга бу ташрифида депутатлар, банкирлар, тужжорлар ва мухбирлардан иборат 200 дан ортиқ киши ҳамроҳлик қилмоқда.

Яқинда С. Демирэл телевидение орқали эълон қилган бошқа бир баёнотида «Туркий мусулмон халқлар Адриатика денгизидан то Хитой денгизига қадар ёйилган заминда яшамоқдалар. Бу ҳолат дунё жамоатчилигида Туркиянинг нуқтаи назаридан фарқли таассурот уйғотмоқда» деган эди. Туркияда пантуркчи ёки панисломчи хаёллар йўқ.

Сулаймон Демирэл Ўрта Осиё жумҳуриятлари бўйлаб сафарга жўнар экан, Лондонда чиқадиган «Индепендет» рўзномаси Туркия Бош вазирининг тайёрани лиқ тўлғазиб совға-салом олиб кетганлигига диққатни жалб этди ва гарчи, турк маъмурлари очиқ-ошкор айтишни хоҳламасалар-да, лекин Хитой, Эрон, Саудия Арабистони, Покистон Ўрта Осиёга ўз таъсирларини ёйиш учун Туркия билан мусобақага киришмоқдалар, деб ёзди.

Маълумки, Туркия С. Демирэл сафари билан бир вақтда Ўрта Осиё республикаларига телекўрсатувлар бера бошлади. Инглиз рўзномаси қайд этганидек, бу кўрсатувларни туркий дунёдаги 100 миллиондан кўпроқ аҳоли томоша қилади. Туркия радиоси ва телевидениеси бошлиғининг ўринбосари Седел Озсел бу ҳақда шундай деди «Дастурларимиз Атлантикадан Тинч океани ҳудудига қадар етиб боради, санъат ҳамда иқтисод соҳаларида муҳим ўрин тутади, маданий алоқалар нуқтаи назаридан бу воқеа бир мўъжизадир». Седел Озсел бу кўрсатувлар Туркия турксчасида олиб борилажагини айтиб, Ўрта Осиёдаги қариндошларимизнинг 70 фоизи тилимизни тушунади, бир-икки йилдан кейин барча туркийлар тушунадиган бўлади, натижада турк тили янада бойийди, деди.

Ўша инглиз рўзномасининг фикрича, кўпчилик турклар Ўрта Осиёдаги қариндошлари билан алоқа боғлаганлигини «Берлин девори» қулатилишига қиёсламоқдалар.

Англиянинг «Гардиан» рўзномаси Сулаймон Демирэл Ўрта Осиё республикаларини зиёрат қилаётган ғарблик (Туркия жуғрофий жиҳатдан икки қитъада — ҳам Осиё, ҳам Европада жойлашган) биринчи раҳбар эканлигини ва унинг бу ташрифидан мақсад сўз кетаётган ўлкалар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш эканлигини ёзиб, Туркия Бош вазирининг Тошкент тайёрагоҳида: «Ўзбекистон— ота-боболаримиз юртидир», деганини алоҳида қайд этади. Рўзноманинг ёзишича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов: «Туркия ўлкамиз мустақиллигини тан олган биринчи давлатдир ва биз Туркия тараққиёти йўлидан боришга қарор қилганмиз», деган.

Маълумки, Туркия ҳукумати Озарбойжон армияси учун зобитлар тайёрлаб бериш истагини билдирди. Барча Ўрта Осиё республикаларидан Туркияга келиб ўқийдиган талабаларга стипендия тайинлаш кўзда тутилмоқда, бу республикаларга дарслик, қўлланмалар юборилмоқда. «Гардиан» рўзномаси С. Демирэлнинг, биз учун Ўрта Осиё республикаларининг мустақилликларини сақлаб қолишлари мазкур республикалар билан иқтисодий алоқалардан кўра муҳимроқдир, деганини алоҳида таъкидлади.

Туркия келгуси ҳафтада Европа кенгашининг навбатдаги бошлиғи вазифасини қабул қилиб олади. Рўзноманинг фикрича, Туркия бу лавозимдан фойдаланиб, Шарқ билан Ғарб ўртасида кўприк вазифасини ўташи мумкин.

Анвар ЖОН, «Озодлик» радиоси ходими.

(Радионинг Ўзбекистондаги мухбири Тоҳир УМАРОВ тақдим этган).

• Ўзбекистон—Россия

ШАҲАРЛАР ҚАРДОШЛИГИ

Россиянинг Братск шаҳри вакиллари уч кун мобайнида Бухорода бўлишди. Бухоро шаҳар ҳокими У. Носиров, Братск шаҳри маъмуриятн бошлиғи И. Невмержевский ҳамда Братск шаҳар кенгаш раиси В. Шуба иккала шаҳар биродарлашганн ҳақидаги ҳужжатларни имзоладилар.

УзА мухбири И. Сафаров Братск шаҳри маъмуриятининг ташқи иқтисодий алоқалар бўлими мудири В. В. Макаров билан учрашиб, суҳбатлашди.

— Владимир Витальевич, Бухоро ва Братск шаҳарларн биродарлашганн иккала шаҳар аҳли учун ҳар томонлама фойдали бўлганн тўғрисида фикрингиз қандай!

— Собиқ Иттифоқ тугашн билан республикаларарo барча алоқалардан путур кетди. Натижада иқтисодий қийинчиликлар пайдо бўла бошлади. Бухороликлар билан биродарлашар эканмиз, ана шу иқтисодий қийинчиликлардан биргаликда чиқиш йўлларини излаймиз. Биз Бухоро учун ёғоч, тахта материалларини истаганларича етказиб бераоламиз. Бухоро шаҳрида қанд (шакар) заводи қуриб бериш ниятимиз бор. Уз навбатида бухороликлар ҳам Братскдагн биродарларнин эрта баҳордан кеч кузгача сервитамин мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари билан таъминлаб туриш мажбуриятнин олишдн.

— Шартномада фақат иқтисодий алоқалар ҳақида сўз борадими!

— Йўқ. Биз маданий алоқаларн ҳам ривожлантириш тарафдоримиз. Братскда Бухоро кунлари ва Бухорода Братск кунлари ташкил этамиз. Бухоролик болаларн ёзги таътил кунларнда Братск лагерларнда дам олиш учун таклиф қилдик. Спортчилар алоқасинн янада яхшилаш тўғрисида ҳам келишиб олдик.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

29 апрель куни бўлиб ўтган Фарғона вилояти фаолларининг йиғилишида ижтимоий-иқтисодий аҳвол, бюджет масаласи ва қишлоқ хўжалиги борасида давлат буюртмаларининг бажарилиши, биринчи чорак якунлари муҳокама қилинди.

Фаоллар йиғилишида Фарғона вилояти ҳокими Ғ. Фозилов иштирок этди.

(ЎзА).

ЖУМҲУРИЯТ БЎЙЛАБ

ХЎЖАЛИКДА БАЛИҚЧИЛИК

Риштон районидаги Мамадали Топиболдиев номли жамоа хўжалигида балиқчилик тармоғи ташкил этилди. Бу эса хўжалик аъзоларининг хонадонларида ва болалар боғчаларида турли пархез таомлар тайёрлашга имкон яратади.

Дастлаб жамоа хўжалигининг Ж. Хайдаров бошлиқ бригадасида 1 гектар ер кўл учун ажратилиб, деҳқонлар пахта етиштириш билан бирга балиқчилик билан ҳам шуғуллана бошладилар. Зарур озуқа билан жамоа хўжалиги таъминлайдиган бўлди. Наманган вилоятидаги «Навбаҳор» балиқчилик совхозидан оқ амур ва зоғора балиқларининг юз килограмм уруғи келтирилиб, парвариш қилина бошланди. Хўжалик балиқчилари биринчи ов мавсумидаёқ аҳоли дастурхонига тўрт тонна балиқ етказиб беришни мўлжаллашмоқда.

— Бу илк тажрибамиз, — дейди жамоа хўжалиги раисининг муовини С. Акбаров. — Ушбу тармоқ биз кутган натижани берса, кўл хажмини 2—3 бараварга кенгайтириш билан бирга хўжаликдаги барча бригадаларда балиқ етиштиришни йўлга қўямиз.

ЖУРНАЛИСТЛАР КОРХОНАСИ

Ёзёвон районидаги «Марказий Фарғона» рўзномасининг жамоаси «Ижодкор» деб аталувчи кичик корхона ташкил этди. Корхона ташкилотлар, жамоа ва давлат хўжаликлари буюртмаси асосида турли босмахона юмушларини бажариб беришни ўз зиммасига олди.

— Яқин кунларда «Ижодкор»нинг воситачи дўконнинг ҳамда енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи устахона очамиз, — дейди рўзнома муҳаррирининг ўринбосари Алишер Тошқулов. — Шунингдек, ғўза поясидан қурилиш материаллари тайёрлаб берувчи цех ҳам ташкил қиламиз. Тушган маблағ жамоамиз қалам аҳлини моддий ва маънавий рағбатлантиришга сарфланади.

ТОМОШАБИНЛАР ҲУЗУРИДА

Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрининг бир гуруҳ санъаткорлари Сурхондарё вилояти бўйлаб сафар қилишмоқда. Улар орасида таниқли артистлар Наби Раҳимов, Ёқуб Аҳмедов ҳам бор.

Театр намояндалари вилоятнинг барча районларида бўлишиб, меҳнат жамоалари билан учрашувлар ўтказишади, турли спектакллардан саҳналар намойиш этишади. Айни пайтда томошабинларнинг таклиф ва истакларини ўрганишади.

(ЎзА мухбирларининг хабарларидан сараланди).



ТОШКЕНТ. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида иш бир маромда бормоқда. Хом ашё танқислигига қарамай корхона меҳнаткашлари тўрт ойлик топшириқни муддатидан олдин адо этишга муваффақ бўлдилар. Умумий ютуққа бирлашма филиали — Тошкент устки трикотаж фабрикаси жамоаси салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу ерда ўтган йили қарийб 70 номда 3 миллионтадан зиёд буюм тайёрлани.

СУРАТДА: тўқувчи Гулноза Тўйчиева.

Р. ШАМСИДДИНОВ олган сурат. (ЎзА).

• Мушоҳада

ҚАРИ БИЛГАННИ...

Бизнинг падари бузрукворимиз асли серғайрату бадавлат деҳқон бўлишлари билан бир қаторда, чорвачилик билан шуғулланадиган катта савдогар ҳам эди. Албатта, инқилобдан олдин. Эсимда: бир куни янги танишган, анча хушбичим, аммо бироз валдироқ бир дўстимни уйга бошлаб келиб, гурунглашиб ўтирган эдик. Дўстимнинг мушоҳадасиз гаплари падаримизга ёқинқирамади шекилли, кайфиятлари бузилганиданми, рўйхуш бермай хоналарига кириб кетдилар.

Хуфтон намозидан сўнг, сандал атрофида ўтирганимизда, аста гап бошладилар.

— Ўғлим, дўстдан дўстнинг, одамдан одамнинг, гўнгдан гўнгнинг фарқи бўлади. Хушбичим экан деб, дўст тутинаверманг. Савдо билан шуғуллансангиз «мол» экан деб, олаверманг. Деҳқончилик билан шуғуллансангиз, гўнг экан деб, сепаверманг, — дедилар.

Дўстдан дўстнинг, одамдан одамнинг фарқига бирмунча тушунгандек бўлдиму аммо, гўнгдан гўнгнинг қанақа фарқи бўлишини билолмай сабабини сўраган эдим, тушунтириб шундай дедилар.

— Усмирлик чоғимда ҳам деҳқончилик билан шуғулланар эдим. Навбатдаги мавсумда катта еримизга деҳқончилик бошладим. Сабзи, пиёз, қизил картошка ва бошқа резаворлар эккан эдим. Кузга келиб ҳосил шундай баракали бўлдики, маҳсулотни то биринчи қор тушганига қадар йиғиштириб олишга улгура олмадик. Қорда қолган қисмини эса, қишлоқдаги бева-бечоралар йиғиштириб олишига розилик бердим. Қишлоқдошларим ўзларининг деҳқончиликлари яхши бўлмагани, экинларини бегона ўтлар босиб, ҳосили дуварак бўлиб қолаётганлигидан арзи ҳол қилишди. Деҳқончилик усулимиз бир, аммо ҳосил олиш ўзгача эди. Улар ҳам ерларига гўнг солишар, мен ҳам гўнг солар эдим. Аммо улар экинларини ўтоқ қилавериб чарчар эдилар. Менинг экинимдан эса бегона ўт чиқмас, чиқса ҳам жуда оз чиқарди. Эгатларим эса соқоли олинган мўйсафиддек покиза бўлиб, экинлар эркин ўсарди.

Бунинг сиру синоатига қишлоқдошларимнинг ақллари етмас эди. Сўнгра уларга ҳам тушунтириб бердим. Яъни гўнгдан гўнгнинг фарқи борлигини айтдим.

Бир деҳқон гапимни оғзимдан илиб кетди: «Мен еримга чириган гўнг соламан, аммо, шундаям ўт босиб кетди-ку». Мен эса, эртаги экинга янги гўнгни, кечки экинларга камида икки йиллик чириган гўнгни соламан, дедим.

Сабабини сўрашди.

Март ойидан бошлаб чорва молларга ўтган йилда ғарамланган қуруқ ҳашак беришни тўхтатаман. Чорва кундузи фақат даладаги кўк ўт билан озиқланади. Кун бўйи ўтлаб келган молларнинг оғилхонада қолдирган гўнгини бир жойга тўплаб, қир адирдаги ўтларнинг уруғи пишгунга қадар йиғиб боравераман. Янги гўнг ҳақиқий кучли ўғит вазифасини бажаради. Чунки таркибида уруғ йўқ, экинни ўт босмайди. Ўтларнинг уруғи пишганидан сўнг эса, гўнгни махсус ковланган ўраларга ташиб, камида икки йил чиритиш зарур.

Чиритишнинг моҳияти шуки, ўт уруғларини табиий равишда жонсизлантириб, зарраларга бўлинмаган озуқа моддаларини парчинларга айлантириб, ўсимликлар илдизларининг митти оғизчаларига тутиш демакдир. Мана билдингизки, гўнгдан гўнгнинг фарқи бор экан.

Қариси бор уйнинг париси бор, деб шунга айтсалар керакда. Яқин ўтган йилларнинг бирида яна воқеа рўй берган эди. Унда раҳматли падаримиз ҳаёт эдилар. Нима бўлди-ю, ўтлоққа қозиқлаб қўйилган сигиримиз қутуриб, арқонни узиб ўзини ҳар ёнга уриб, дуч келган экин майдонларини кунпаякун қила бошлади. Уни қўлга олиш учун ҳеч кимнинг юраги дов бермади. Охири чарчади шекилли ўтлоқнинг ўртасига маст одам каби, энтак-тентак юриб бориб, гуп этиб йиқилдида, яна тезда ўзини ўнглаб, ковш қайтара бошлади. Аммо бошини сараксарак қилишдан ҳеч тўхтамасди. Падаримиз бир қўлларида арқон, бир қўлларида болта билан сигирга яқинлашар эканлар, у ҳеч нарсани кўрмас ва фаҳмламас эди. Аста қўлларини текказиб силаган эдилар, унинг қутурмагани маълум бўлди. Оғилхонага олиб келиб арқонлаб қўйдиларда мол табибини бошлаб келдилар. Мол табибининг кузатуви бўйича, унинг иккала кўзи мутлақо кўрмаётгани маълум бўлди. Кўр бўлиб қолганлигининг сабаби бундай экан: ўтлоққа қозиқлаб қўйган жойимизда, қўшниларимиздан бири, девори йўқ ҳовлисидаги парникнинг кўмир ёқадиган печкасини бузиб, солярка ёқадиганини ўрнатаётган экан. Чунки қишлоқдаги аҳолига қиш кунлари турли хил витаминли маҳсулот етказиб берадиган шахсий иссиқхона эгаларига газдан фойдаланишга рухсат берилмаганди. Шундай қилиб, печкани ўзгартираётганда электрпайвандчи ишлаётган экан. Сигир бечора ажойиб нурга термулиб тураверган, натижада икки кўзининг қорачиқ пардаси ишдан чиққан. Кўзи кўрмай қолганидан сўнг ўзини ҳар ёнга уриб, телбаларча исён қилган экан.

«Энди бунингизнинг кўзи кўрмайди, сўйсангиз ҳам бўлаверади» деб мол табиби чиқиб кетди.

Бир ярим челак сут берадиган говмишимиз учун падаримиз анча қайғуриб, сигирнинг оҳуридаги нушхўрд чўпларни олиб, ташладилар-да, уч кунгача на ем, на хашак, на сув бермаслигимизни таъкидладилар. Юрак ютиб аста сабабини сўраган эдим: «Уч кун оч қўйиб, овқатдан қантариш керак», дедилар.

— Нега?

— Шунинг учунки, бу жониворни сўямиз, ҳамонки шундай экан, бунинг гўштини сотмаймиз. Қишга ғамлаб қўямиз, бунинг учун эса, гўшт тез айнимайдиган бўлиши керак. Гўштни айнитмасдан сақлаш учун жондорни уч кун оч қолдириб, қантариб қўйилса, танасидаги бор намлик ўзининг иссиғи билан чиқиб кетади. Ана шунда намдан фориғ бўлган лаззатли гўшт қолиб, сўйилганидан сўнг, дорда тез қотади. Бамисоли узумни қозонда қайнатиб, суви қочирилгач, фақат ширасиз, яъни шинниси қолгани каби, — дедилар.

Ҳа дарвоқе илгари ҳеч қандай музхонаю совуқхоналар бўлмаганида ҳам ота-боболаримиз айнитмасдан, ҳамма маҳсулотни ўз қуввати билан истеъмол этишган. Шунинг учун ҳам бардаму бақувват бўлиб яшаганлар.

Турсун Муҳаммад СОДИҚ ўғли.

Сўзимизда ўзлигимиз намоён

КЕЧИКИШ

Бу билим юрти даргоҳига шу йил Наврўз байрамига яқин кунларда қадам ранжида қилгандик. Билим юрти заллари деворларига осиб қўйилган Ленин комсомолининг «шонли» ва қонли йўлини акс эттирувчи лавҳалар, ёшларни Ленин партиясига содиқ бўлишга даъват этувчи чучмал чақириқлар «илк» таассуротимиз бўлди.

Бундай кўргазмали тарғибот билан ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаб келаётган билим юртининг муҳтарам муаллимлари бизни маъзур тутсинлар. Илгари бундай жанговар шиорларнинг қадри баланд эди. У пайтлари мана шундай шиорлар учун райкомнинг обкомнинг фахрий ёрлиқлари бериларди. Катта-кичик йиғилишларда қайта-қайта мақталарди, бошқаларга намуна қилиб кўрсатиларди. Бугун эса давр ўзгарди. Энди ёшларни ҳеч қачон алвон шиорлару ёлғон ваъдалар билан алдаб бўлмайди.

Биз тенгилар ўзларини адашган, алданган авлод, деб аташмоқда. Рост. Менинг хотирамда марксизм-ленинизмга оид чала ғоялар ҳамон мавжуд. Мен Пушкин, Лермонтов шеърларини ҳамон ёддан ўқийман. Лекин Навоийни тушунмайман. Петрнинг қонли юришини биламан. Аммо соҳибқирон Темур бобомизнинг ким эканлигини ўттиздан ошгандан кейин билдим. Совет адабиётининг принципларини ёддан айтиб бера оламан. Аммо Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратларнинг шу манфур принцип қурбони бўлганликларини эндигина тушундим.

Ростданам бизлар коммунистик мафкура қурбонларига айланган жонмиз. Лекин бизнинг ортимиздан келаётган авлод-чи? Улар алданмаяптими? Улар бизга ўхшаб эртага афсус-надоматлар қилмасмикан? Бугунги авлоднинг билимли бўлиши учун жумҳуриятимиз Президенти ўзининг бор кучғайратини сарфламоқда. Бизнинг авлод эса бундай ғамхўрликни ҳеч қачон кўрмаган. Мен буни миллат қадрини, юрт шаънини ҳимоя қилишга қаратилган улуғ ватанпарварлик, инсонийлик, деб биламан. Гап мана шу ватанпарварликка муносиб бўлишда қолди.

Навоий педагогика билим юртидаги қизил шиорлар билан мустақилликни ҳимоя қила оламизми? Йўқ, албатта. Ҳолбуки, ўн йилдан бери билим юрти ўзининг муқим жойига эга эмас. Лекин бизнинг ортимиздан келаётган авлод-чи? Улар алданмаяптими? Улар бизга ўхшаб эртага афсус-надоматлар қилмасмикан? Бугунги авлоднинг билимли бўлиши учун жумҳуриятимиз Президенти ўзининг бор кучғайратини сарфламоқда. Бизнинг авлод эса бундай ғамхўрликни ҳеч қачон кўрмаган. Мен буни миллат қадрини, юрт шаънини ҳимоя қилишга қаратилган улуғ ватанпарварлик, инсонийлик, деб биламан. Гап мана шу ватанпарварликка муносиб бўлишда қолди.

Навоий педагогика билим юртидаги қизил шиорлар билан мустақилликни ҳимоя қила оламизми? Йўқ, албатта. Ҳолбуки, ўн йилдан бери билим юрти ўзининг муқим жойига эга эмас. Лекин шундай бўлса-да, бу даргоҳга ҳар йили талабалар қабул қилинаверади, битириб чиқишаверади, қабул режалари бажарилаверади.

Дастлаб ушбу педагогика билим юрти Кармана шаҳридаги «Партия XVII съезди» мактабидан ўзига бошпана топди. Тўғри, ўша пайтларда қийин эди. Чунки янги вилоятнинг бошқа ташкилотлари у ер-бу ердан ўзларига қўнимгоҳ топишганди. 1988 йили Навоий вилояти тугатилгач, педагогика билим юрти собиқ вилоят агросаноат уюшмасининг биносига кўчиб ўтди. Тўрт йилдирки, педбилим юрти мана шу жойда қўним топиб турибди. Айни пайтда 14 та аудиториянинг 6 таси фан кабинетига айлантирилган. Бу ўқув даргоҳида 564 нафар талабанинг кундузи, 576 нафар талабанинг сиртқи бўлимида таҳсил олиши ҳеч ақлга сиғмайди.

— Бизга Қодир Раҳимов номли жамоа хўжалиги ҳудудидан 3 гектар ер ажратилган, — дейди билим юрти директори М. Шарипова. — Ҳозир лойиҳа ишлари бажарилянти. Қурилиш ишларига 5 миллион сўм ажратилади. Лекин бирор ташкилот қурилишни ўз зиммасига олгиси йўқ.

Албатта, бундан тўрт-беш йил бурун халқ таълими вазирлиги ажратган 5 миллион сўмга энди мушук ҳам офтобга чиқмайди. Чунки шу пайтгача билим юртининг янги биносини қуриш учун ўз вақтида ҳаракат бўлмади. Эҳтимол билим юрти мамурияти порлоқ истиқболни кутишгандир? Порлоқ истиқбол эса сароб бўлиб чиқди. Қиссадан ҳисса шуки, алвон шиорлар осиш, қуюқ ваъдалар бериш билан аҳвол ўзгармас экан. Умр эса ўтиб бормоқда. Ҳаётнинг талаби кун сайин ўзгараяпти.

Бизга алам қиладиган томони шу бўлдики, билим юрти ётоқхона ва аудиторияларида ҳазрат Алишер Навоийни билмаган талабаларни учратдик. Во ажаб, биз улардан эртага нимани кутамиз? Эртага улар қўлида таҳсил оладиган ўсмирлар менга ўхшаб алданиб қолмасмикан. Мени-ку алдаб бўлишди. Ёлғон дунёнинг гирдобида қолдим.

Менинг атрофимда ҳамон лоқайд кишилар қўнаймоқда. Улар ўтмиш садосини эшитмайдилар. Келажак шуъалаларини кўрмайдилар. Бугун эса — ўтиб турибди. Бу аҳволда эртага яна ўша лоқайд кунлар давом этади...

Маҳмуд МАРДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

Куфрунсой тоғли Бойсун, Ленин йўли, Денов районларини туташтирувчи йўлни кесиб ўтади. Ёғингарчилик мўл бўлиб, ундан сел келганда йўловчилар у қирғоқдан бу қирғоққа ўтолмай, сарсон бўлиб қолишарди. Сурхондарё вилоят автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси йўловчиларга қулайлик яратиб, Куфрунсой устида қарийб 37 метр узунликда замонавий кўприк қуриб беришди.

• Депутатлик ҳаловат эмас

ЎЗИДАН КЕЧГАН ОБРЎ ТОПАДИ

Бугунги кунда депутат деган шарафли номни оқлаш, унга муносиб бўлиш осон эмас. Бағдод районидаги 122-Москва сайлов округи халқи Фарғона вилояти депутатлигига «Ферганахлопкопром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Аъзамжон Бўрниевни сайлаган эди. Кўп ўтмай хато қилмаганликларини англашди. Чунки депутат ўтган вақт ичида мазкур округ ҳудудидаги қишлоқлар аҳолисига кўп қайишди. Бекобод, Шўроқўр, Майлавой қишлоқларида 4250 нафар аҳоли бор. Улар ҳузурига вилоят совети депутати А. Бўриев тез-тез келиб туради. Кексалар, маҳаллаларнинг фаоллари, «Бағдод» ва «Мирзаобод» жамоа хўжаликлари ҳамда қишлоқ совети раҳбарлари билан кўндаланг турган муаммолар хусусида мунозара юритади, маслаҳатлашади. Сайловчилар ўз депутатларининг амалий кўмакларини сезишиб туришибди. Жумладан, у 2-ўрта мактаб ремонти учун зарур қурилиш материаллари етказиб беришга, шу мақсад учун 40 минг сўм маблағ ажратилишига, район шифохонаси таъмирланишига, сайлов округи ҳудудидаги қишлоқларнинг йўллари асфальтланишига, болалар боғчаларининг муносиб даражада жиҳозланишига катта ҳисса қўшди.

— Депутатимиздан жуда мамнунмиз, — дейишмоқда мазкур округда яшовчилар. — Илгари кимни сайлаганимизни, нима учун сайлаганимизни билмай юраверардик. Аъзамжон мисолида биз ҳақиқий жонкуяр депутатни, том маънодаги халқ хизматкорини кўрдик.

СУРАТДА: Фарғона вилояти совети депутати Аъзамжон Бўриев.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Маънавият кўприги

ХОРАЗМЛИК ЭРОНИЙЛАР

БИЗ ушбу мақоламизда Хоразм вилояти Қўшкўпир районида истиқомат қилаётган форсиёнлар — эронийлар оғзаки поэтик ижодиётининг баъзи бир қирралари хусусида фикр юритмоқчимиз. Чунки шу вақтга қадар мазкур халқлар ҳаётига, оғзаки ижодига, адабиётига оид манбалар деярли ўрганилмаган. Уларнинг қалбига қулоқ тутиш, турмуш тарзию ижодиётини чуқур таҳлил этиш, ҳеч шубҳа йўқки, ўзаро биродарлик ришталарини мустаҳкамлайди.

Хоразмлик эронийларнинг оғзаки адабиёти, маданияти борасида сўз юритишдан олдин уларнинг ўлкамизга келиб қолишларига оид маълумотларга бир назар ташлайлик. Дарвоқе, бу ҳақда тарихчи ва шоир Муҳаммад Ниёз Эрниёзбек ўғли Оғаҳийнинг «Риёзуд-давла» асарида, шунингдек тазкиранавис, шоир Ҳасан Мурод Муҳаммад Амин ўғлининг «Озодноме» асарларида кенг маълумот берилган. Уларнинг ёзишича, 1240 ҳижрий (1862 мелодий) йилда (Хива хони Оллоқулихон даврида) Эрон билан тез-тез ҳарбий тўқнашувлар бўлиб турган. Бундай қонли юришларнинг оқибатида Эроннинг Маҳинлиги, Жомли, Машҳад, Оқдарбанд қалъалари мухорабага айлантирилиб, аҳолиси асир қилиб олиб келинган. Ўзининг довюраклиги, ишбилармонлиги, жасурлиги билан бутун Эронга танилган оқдарбандликлар кучлар тенг бўлмаган жангда Хива хонининг лашкарига таслим бўлишган. Хон рақибларининг жасурлигига тан бериб, уларни хонликнинг жануби-ғарбий томонига жойлаштирган. Эронийлардан хат ташувчи, хабарчилар ўрнида фойдаланган ва ер, сув солиғидан озод этган. Деҳқончилик қилишлари учун шароит яратиб, катта канал қаздириб сув чиқариб берган.

1290 ҳижрий, яъни 1873 мелодий йили асирлар озод этилиб, ўз юртларига қайтишга рухсат берилади. Ҳатто Эрон ҳукуматига ўз фуқароларини қабул қилиш учун номалар ёзиб юборилган. 11 минг 500 нафардан иборат эрон фуқаролари Қондирли кўрфази ва Атроқ орқали юртларига жўнаб кетишган. Бундан ташқари, ўз хоҳиши билан 22 минг 500 нафар эроний ва Озарбайжон турклари Хива хонлиги қарамоғида қолганлар. Уларнинг кўпчилиги ўз она тили ва урф-одатларини деярли унутиб юборган. Фақат Ғозиобод (Қўшкўпир райони Иттифоқ жамоа хўжалиги)да ҳозирга қадар юз хонадон эронийлар миллий урф-одатларию тилини йўқотмасдан форсча сўзлашиб яшаб келмоқдалар.

Биз Оқдарбанд қишлоғига ижодий сафаримиз жараёнида юқорида келтирилган тарихий маълумотлар нақадар тўғри эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Очиғи, бу одамлар ота-боболарининг киндик қони тўкилган заминдан айри тушганликларига бир ярим асрдан ортиқ вақт ўтишига қарамасдан ўз тили, удум ва анъаналарини сақлаб қолганликларини кўриб ҳурматимиз ошиб, уларга ҳавасимиз келди. Биз, ўзбеклар ўз она диёримизда яшаб туриб қадимий урф-одатларимизни унутиб юбораётганимизни, аждодларимиздан қолган маънавий меросимиз оёқ ости бўлаётганига бепарво қараб қолганимизни гоҳида тан олишни истамаймиз ҳам

Эронийлар аждодларининг турмуш-турмушини, дунёқараши ва эътиқодини, кураши ва мағлубиятини, аянчли воқеаларни ўз фольклорида ифода эта олган. Уларнинг оғзаки ижоди ранг-баранг жанрлардан иборат, энг кўп тарқалганларидан бири қўшиқдир. Эрон халқ оғзаки ижодида қўшиқ «тарона» атамаси билан ифодаланиб, куйга солинадиган маънони беради. Қўшиқларимиздаги жўшқинлик ва такрорланмас жозибадорликни маҳаллий эронийларнинг халқ тароналарида ҳам кўриш мумкин.

Масалан:

Ҳоло духтар туманнойи ту дорум,
Тўмади хатти балойи ту дорум,
Тумади хатти балойи набошад,
Тумади боғи мевайи ту дорум.

Ушбу мисраларда ошиқ ўз маҳбубасига чин севгисини изҳор қилиб, унинг таманноси, висоли учун жонини фидо қилишга ҳам тайёр эканлигини баён этади.

Бошқа бир тўртликда ошиқнинг маъшуқасига илтижоси, ўзига нисбатан қилаётган жабру жафоларининг сабабини сўрайди:

Дили хидми чиро аз ман римиди?
Магар ҳарфи бадро аз ман шениди?
Ман чу бар тў ҳарфи бадро нагўфтам,
Чиро меҳру муҳаббатро бурриди?
[Эй санам ишқингни нега сир тутдинг?
Ёки мандан нолойиқ гап эшитдинг?
Ёмон гап йўқ сенга дилу тилимда,
Не сабабдин вафо йўлин бекитдинг?]

Уларнинг тўй маросим тароналарида ўзбеклар каби келин ва куёв томонидан «ёр-ёр»лар айтилади. Йигит, масалан, наткаш омма руҳининг тўла ифодаланганлигидадир. Маънавият кўзгуси бўлган қўшиқ-матнинг ниҳоятда оҳангдор ва сайқал топган қуйма сатрлари яшовчанлигини таъминлаган.

Ўтмишда яратилган тароналарда тақдирдан нолиш, умидсизлик, тушкунлик оҳанглар эшитилиши табиий бир ҳол.

Хоҳ ўз юртида бўлсин, хоҳ ўзга юртда камбағал деҳқоннинг аҳволига раҳм қилувчи инсон топилмаслиги, эркин, бегам, бедард одамнинг бўлмаслиги ҳақида битилган аламли сатрлар ҳам эронийларнинг тароналаридан жой олган:

Ди Урганч ди Ҳирот дар во намешад,
Яки ҳам дарди беҳ пейдо намешад.
Яки ҳам дарди беҳ дифолы хона
Келди гўм шуду дар во намешад.
[Урганчу Хиротда бизга хона йўқ,
Дунёда ғарибдек хор парвона йўқ.
Мискин юракларга битта хона бор,
Кирсанг чиқиш учун ундан чора йўқ].

деб, мусофир, ғариб-бечора учун Аллоҳдан ўзга ғамхўр ва унинг даргоҳидан ўзга ерда бошпана йўқ эканлигидан афсусланади. Доду фарёдига, нолаларига қулоқ тутадиган ёру биродари йўқлигидан минг марталаб қайғуради:

Шабу ним шабки ман наёмад,
Задум фарёдки ёри ман наёмад.
Задум фарёд аз нанги замона,
Заин мардум бе юре ман наёмад.
[Шому саҳар тўлғонаман уйқу келмас,
Фарёд қилсам ҳузуримга дўст-ёр келмас.
Замона зайлидан минг бора дод этсам,
Бу додима ошиною ағёр келмас].

Эронийларнинг халқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган қўшиқларни муфассал таҳлил этиш катта бир илмий тадқиқотни талаб этади. Бунинг устига маълум бир халқни бошқа халқлардан ажратиб ўрганиш тугул тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас.

Биз шу меҳнаткаш эл — эронийларнинг оғзаки поэтик ижоди бўйича илмий изланишлар олиб борувчи зукко тадқиқотчилар кўпаювидан умидвормиз.

Ҳудойберди ЭГАМОВ, Баҳром ЖУМАНИЁЗОВ.

ҚАРАМЛИКНИНГ БЕОЗОР УСУЛИ

Дастурхонимизнинг файзи ва энг азиз неъмати — нон. Бусиз бирор ўзбек дастурхонини тасаввур этиш маҳол. Шу боис халқимиз нонни, ҳаттоки унинг ушоғини ҳам исроф қилмай, эъзозлаб — «Нон — ризқ-рўзимиз», дея кўзига суради. Қадимдан Ўрта Осиё ҳудудининг ҳар бир депарасида бир неча тегирмон бўлган, уларда юқори сифатли ғалла янчилган. Ўзига хос ва мазали нонлар ёпилган. Самарқанд нонвойлари ёпган нонларни ким билмайди дейсиз? Сир эмас, кейинги вақтларда дастурхонимизнинг анчагина файзи кетди, бозорларда сотилаётган нонлар юқалашиб, қимматлашмоқда. Ёшу қарининг шу кунлардаги ташвишларидан бири — нон, ун, умуман ғалла таъминотида вужудга келаётган тақчиллик масаласидир. Ниҳоятда ҳаётий бу муаммони юзага келтирган сабаблар ва омиллар нималардан иборат? Наҳотки, ҳудудимизнинг неки экса кўкарадиган ҳосилдор ерларида ғалла битмай қолди? Бу саволларга жавобни, назаримизда, бугунги кунлардан эмас, мозийдан ахтармоқ керак.

Маълумки, ёш совет давлатининг «ғамхўрлиги» туфайли инқилобдан кейинги дастлабки йилларда Ўрта Осиё минтақасига марказдан вагон-вагон «беминнат» ёрдам — ғалла, ун кела бошлади. Рақамларга мурожаат қилайлик: 1908 йилда Россиядан 2058 минг пуд ғалла олиб келинган бўлса, 1924-25 йилларда 13200 минг пуд, 1925-26 йилларда 15368, 1927-28 йилларда эса 34000 минг пуд ғалла олиб келинган. Хўш, бу «биродарлик»нинг нимаси ёмон? Туркистонлик фуқаронинг ғаллага, нонга бўлган эҳтиёжини қондиришга «қўмаклашиш» энг олийжаноб инсоний фазилат ва сидқидиллик эмасми? Аммо бу «жонкуярлик» ниқоби остида яширинган асл ниятни англаш юқоридаги саволларга рад жавобни беришга мажбур этади. Яна рақамлар салмоғига эътибор берайлик: қайд этилган ўша 1908 йили келтирилган 2058 минг пуд ғалла ҳисобига 7791 миллион пуд пахта толаси Ўрта Осиё минтақасидан марказга олиб кетилган. 1924-25 йилларда 4778, 1925-26 йилларда 8875, 1926-27 йилларда эса 11500 миллион пуд пахта толаси жўнатилган. Демак, минтақа фуқароси учун «жонкуярлик» тариқасида келтирилган ғалланинг кўпайиши баробарида пахта майдонининг кенгайиши ва олиб кетилаётган пахта толасининг ортишини кузатамиз. Шуни қайд этиш ўринлики, марказий ҳукуматнинг жорий кўрсатмалари асосида пахта майдони янги ерлар ўзлаштириш ҳисобига эмас, минтақадаги мавжуд ғалла, дон эвазига келинаётган, сабзавотчилик ва боғдорчилик қилинаётган ерлар ҳисобига кенгайтирилди. Масалан, 1924-25 йилги экиш мавсумида Ўрта Осиёдаги суғориладиган ерларнинг 26 фоизига пахта экилган бўлса, кейинги икки йил давомида бу рақам 30,5 фоизга кўтарилган. Ўз-ўзидан маълумки, асосий пахта экиладиган ҳудуд — Ўзбекистон мисолида бу кўрсаткич яна ҳам юқори бўлиши аниқ. Мавжуд суғориладиган ерлар ҳисобига пахта майдонини кенгайтиришдан мақсад: биринчидан, янги ерларни ўзлаштиришга узоқ вақт ва катта маблағ сарфламай тезда натижага эришиш; иккинчидан, ғалла, дон экиладиган ерларни қисқартириш оқибатида минтақада доимий ғалла, дон етишмовчилигини вужудга келтириш ва шу орқали Ўрта Осиёни марказга ипсиз боғлаб қўйишдан иборат эди. Ўша йиллари марказни доимо хавотирга соладиган муаммолардан бири минтақада ғалла нархининг кўтарилиши эди. Чунки бу ҳолат деҳқонларни ғалла ва дон экиладиган майдонларни кенгайтиришга ундар эди. 1927-28 йиллари Ўрта Осиё ғалласининг бир пуди 1926-27 йиллардаги ўртача икки сўмдан 3 сўмга кўтарилди. Оқибатда марказ дарҳол минтақага ғалла жўнатишни бир йил давомида икки баробар оширишга мажбур бўлди. Агар Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари марказдан Ўрта Осиёга асосан ғалла жўнатилган бўлса, 20-йилларнинг ўртаси ва охирларига келиб минтақага тайёр янчилган арзон ун юборишга эътибор берилди. Бу «ғамхўрлик»нинг натижасида кўплаб сув тегирмонлари тўхтатилди ёки бузиб ташланди. Чунки деҳқон учун маҳаллий ғаллани тегирмондан чиқариб ортиқча меҳнат ва маблағ сарфлагандан кўра бу қулайроқ эди-да. Бундан кўзда тутилган мақсад: тежалган сув ҳисобига суғориладиган пахта майдонларини кенгайтириш, оз миқдорда бўлса ҳам доимий равишда ун билан таъминлайдиган манба — тегирмондан деҳқонни узоқлаштириш, узоқроқ муддат сақлаш мумкин бўлган ғалладан кўра, Ўрта Осиё шароитида тез бузиладиган ун билан таъминлаш марказга боғлиқликни кучайтириш эканлигини меҳнаткаш эл қаердан билсин?

Ўрта Осиё минтақасини мамлакатнинг асосий пахта базасига айлантиришга қаратилган марказ сиёсати нафақат ғаллачилик, балки у билан боғлиқ бўлган халқ ҳунармандчилигига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Айни пайтда маҳаллий аҳоли ҳунармандчилигининг асосий турларидан бири бўлган ипакчиликни кенгайтириш ва пилла етиштиришни тараққий эттиришга ҳам йўл қўйилмади. Марказ ўз манфаатларига зид келадиган миллий ва сиёсий низолардан чўчиб аста-секинлик билан ҳунармандчиликнинг бу турини сиқиб чиқаришга ва охир оқибатда тамомила тугатиш учун эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилди. Барча имкониятларни (йил бошида пилла етиштирувчилар билан шартномалар тузиш, айрим агротехник ёрдамлар ваъда қилиш ва ҳ.к.) ишга солиб минтақада пилла нархини кўтармаслика, ипакчиликни қўшимча тармоқ сифатида сақлаб қолиш эвазига пахтачиликни ривожлантиришга интилди.

Айнан шундай сиёсат жун ва тери етиштиришда ҳам амалга оширилди. Хом ашёнинг бу турини етиштиришда марказ талабларини тўлароқ қондириш асосий мақсад эди. Маҳаллий аҳолининг ўз ихтиёрида шахсий эҳтиёжи учун олиб қолинадиган (арқон, қоп, пайпоқ, камзул ва бошқа) молларнинг асосий қисми ўрнига шу ашёларнинг ипдан тўқилганини марказдан келтириш ҳисобига, мамлакатнинг саноат районларига юборилди.

Бу вазифалар барчаси СССР Ташқи Ишлар Халқ Комиссарлигининг Шарқ бўлимига қарашли Хом ашё бошқармаси томонидан амалга оширилганлиги Ўрта Осиё минтақаси марказнинг асосий хом ашё базаси эканлигини тасдиқловчи энг ишончли далилдир.

Адолат юзасидан таъкидлаш лозимки, бутун мамлакат учун оғир бўлган йиллари марказдан Ўрта Осиёга минг-минг пуд ғалла, дон ва бошқа ашёларнинг келтирилиши маълум даражада маҳаллий аҳолининг шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондирди ва ёш совет давлатининг минтақа фуқароси орасидаги нуфузини оширди. Бироқ бу йилларда Сибирь халқларининг «Балиқ тутиб берганга раҳмат, балиқ тутишни ўргатганга эса минг раҳмат!» — деган ибратли мақолига амал қилинмади. Оқибатда, бу кўрсатилган ёрдамлар минтақада мустақил иқтисодиёт асосларини вужудга келтиришга ва маҳаллий ҳунармандчилик турларини тараққий эттиришга хизмат қилмай, аксинча уларга салбий таъсир кўрсатди.

Юқоридаги рақам ва далиллар қўйидагича хулоса чиқаришга ундайди: чор Россияси Ўрта Осиё минтақасини ҳарбий куч ишлатиб, қурбонлар эвазига мавҳ этган бўлса, Совет ҳокимияти забт этишнинг «беозор» усулидан — ашёлар воситаси билан қарам қилиш усулидан моҳирона фойдаланди. Тажрибада синалган бу ишончли усул кейинчалик «учинчи дунё» деб аталиб келинаётган мамлакатларга кириб боришда, улар билан «дўстлашишда» кенг қўлланилди.

Албатта, ҳозирги халқаро миқёсда давлатлар ўртасида ўзаро боғлиқлик кучайиб бораётган бир даврда бу жараёнлардан четда туриш мумкин эмас. Айниқса, собиқ иттифоқни ташкил этувчи жумҳуриятларнинг ўзаро иқтисодий, илмий-техник ва маданий алоқаларининг сақланиб қолиши табиий. Чунки фақатгина иқтисодий ва этник жиҳатдан боғлиқлик омилининг ўзи бу жараёнлар олдига ҳеч қандай тўсиқ қўйиб бўлмаслигини кўрсатади. Бироқ бу алоқалар моҳиятан янги мазмун касб этмоғи, тўла тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва бошқа давлатлар ўртасидаги халқаро қоидалар асосида қарор топмоғи лозим.

Баҳриддин ТАЛАПОВ.

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШГА ЎТИШ УЧУН

Суғоришнинг бу тежамли усули Самарқанд вилояти хўжаликларида тобора кенг қўлланиляпти. Ўтган йили Қўшработ районидаги Свердлов давлат хўжалигида 35 гектар токзорда шу усул жорий этилди, бу йил эса юз гектар токзор томчилатиб суғорилади. Янги усулни Иштихон, Ургут, Пайариқ районлари боғбонлари ҳам фаол жорий этмоқдалар.

Ўсимликларнинг илдизини сув билан таъминлашга қаратилган бу усул Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам муваффақият билан қўлланилмоқда. Диаметри 20—25 миллиметрли сув томчилаб турган тешиклари бўлган полиэтилен қувурлар орқали суғориш ноқулай жойларда, қурғоқчилик районларида ҳам жуда кам сув сарфлаб мўл ҳосил олиш мумкин бўлади.

Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Самарқанд бўлимидан Абдурафиқ Насимов билан ирригация илмий тадқиқот илмгоҳидан Темур Полвонов 1977 йилдаёқ маҳаллий шароитга мослаштириб томчилатиб суғориш системасини ишлаб чиқа бошладилар. Аммо сўнгги йилларгачина бу технология тажриба майдонларидан амалиётга ўтди. Сабзавот етиштиришда ҳам шу усулдан фойдаланила бошланди.

Пахтачиликда ҳам катта истиқболлар мавжуд. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси раёсати ҳамда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини моддий-техника воситалари билан таъминлаш ва ремонт қилиш идораси ҳайъати, Сув хўжалиги қурилиши вазирлиги вакиллиги қўшма мажлисида апрель ойининг ўрталарида шу муаммо муҳокама қилинди. Мажлис қатнашчилари пахта далаларида еростига сув қувурлари тизимини ётқизиш қимматга тушади, лекин ҳаражатлар тезда қопланади, сув тежаб қолинади ва мўл ҳосил олинади, деган яқдил фикрга келдилар. Илмий жиҳатдан асосланган таклифлар билан республика ҳукуматига мурожаат қилишга, томчилатиб суғориш технологиясини ўрганиш билан боғлиқ барча ишларни мувофиқлаштириш кенгашини тузишга, томчилатиб суғориш учун зарур ускуналарни ишлаб чиқишга қарор қилинди.

Эҳтимол, энди иш юришиб кетар. Шуни айтиб ўтиш керакки, суғоришнинг бу усули жаҳон амалиётида кўпдан-кўп муваффақиятли қўлланилмоқда.

(ЎзА мухбири).

• Долзарб мавзу

ЭЛЧИЛАРНИ ҚАЕРДАН ОЛАМИЗ?

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА: Асадулла МАМАТҚУЛОВ, 1941 йилда туғилган. Юриднк фанлари номзоди, доцент, Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси аъзоси. 1965 йили Тошкент Давлат дорилфунуни шарқ факультетининг ҳинд филологияси бўлимини битирган. «Ҳиндистон иқтисодиётини ривожлантиришда давлатнинг роли» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. «Халқаро ҳуқуқ» дарслиги муаллифи.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқи бўйича миллий Қўмитаси ёнлар ҳуқуқи бўлимининг мудири. Ҳинд, урду, инглиз ва форс тилларини билади.

Ўзбекистон Республикасини юздан ортиқ хорижий давлатлар расман тан олишди. Энди Ўзбекистон мана шу давлатлар билан ташқи муносабатга киришмоғи лозим. Ташқи муносабатларни амалга оширишда давлатлар бир-бири билан дипломатик, консуллик ва савдо ваколатхоналарини айирбош қиладилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ёки биронта халқаро ташкилотларга аъзо бўлгач эса бу ташкилотларда давлатларнинг доимий ваколатхоналари очилади.

Ўзбекистон пойтахтида Ҳиндистон, Америка ва бошқа давлатларнинг элчихоналари очилди. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзини тан олган барча давлатлар билан элчихона, консулхона, савдо ваколатхоналари ва БМТ қошида доимий ваколатхона очиши керак. Бу эса, мана шу муҳим ташқи муносабат органларида хизмат қилувчи кадрларни танлаш, уларни дипломатик этикага ўргатишни, чет эллик расмий шахслар ва делегациялар билан учрашиш, фикрлашиш, уларни кутиб олиш тартиб-қоидаларини юқори даражада эгаллаб олишлари заруратини тақозо қилади.

Хўш, шундай билим даражасига эга бўлган кишилар борми? Агар бўлмаса, уларни қаердан олишимиз керак?

Дипломатик хизматда ишловчилар энг аввало ажнабий тилларнинг биронтасини яхши билишлари лозим. Бизга маълумки, узоқ йиллар давомида мактаб дастурида чет тилларни ўқитиш юзаки олиб борилган. Шу сабабли ўзбекистонлик зиёлилардан ажнабий давлат тилини яхши биладиганлар бармоқ билан санарли даражада.

Шунингдек, дипломатиянинг муҳим талабларидан яна бири оддий дипломатик этикага эга бўлиш, яъни фикрларнинг аниқ, жумлаларни қисқача, лўнда қилиб тушунтирадиган, гўзал табиатли, хайратланарли даражада мулоҳазали, нотиқ кишилар бўлишни тақозо этади.

Ўзбекистонда бугун — қисқа муддатда элчихона ходимларини ҳар томонлама етук мутахассис қилиб тайёрлашнинг иложи йўқ: фурсат қисқа, айрим давлатларда иложи борича тезроқ элчихоналар очишимиз зарур. Бунинг учун эса битта йўл — зудлик билан республикамизда 5—6 ойлик дипломатлар тайёрлайдиган курслар очишимиз керак. Токи, юборилиадиган вакилларимиз имкон даражасида оддий дипломатик қоиданинг тушунчаларига эга бўлсин.

Курсларга тингловчиларни танлашда ҳам адашмаслик керак. Биринчидан чет тилини биладиган, дипломатик иш лаёқатига эга бўлган, сермулоҳаза кишиларни олиш лозим. Айримлар айтиши мумкин: мана, чет элларда таржимонлик ёки мутахассислик бўйича ишлаб келган ўзбекларимиз етарлича, шулар элчихона ходимлари учун тайёр кадрлар. Бу фикрга мен қўшилмайман. Чунки чет элда ишлаб келган киши ўз соҳаси бўйича мухандис, агроном, ўқитувчи ёки таржимон вазифаларини бажарган. Бу ходимлар дипломатик ва консуллик иш тажрибаларини билишмайди. Бунга уларнинг имконияти ҳам, иложи ҳам бўлмаган. Иқтидорсиз, тасодифий кишиларни элчихона ходимлигига жўнатиш халқаро ҳуқуқбузарликка олиб келиши мумкин. Чунки, дипломатик ходимларнинг халқаро ҳуқуқ бўйича белгиланган аниқ вазифалари, ҳуқуқ ва бурчлари, имтиёзлари мавжуд.

Бу йил Адлия вазирлигининг буйруғи билан Тошкент Давлат юридик институти қошида дипломатик ходимларни тайёрлайдиган халқаро ҳуқуқий муносабатлар факультети очилиш арафасида. Факультет шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб иш бошлайди. Бу олийгоҳни битирувчилар 4—5 йилдан кейингина фаоллик кўрсатишлари мумкин. Ўзбекистонга эса бундай ходимлар бугун керак.

Дипломатик курсларга дарс берадиган муаллимларни ҳам топиш имконияти бор. Собиқ Иттифоқ пайтида Ўзбекистондан 6—7 киши фавқулодда ва мухтор элчи даражасини олган. Хорижий мамлакатларда элчихона бошлиғи бўлиб бир неча йил ишлаб келган шу кишиларимиз ўз тажрибаларини тингловчиларига ўргатиши мумкин.

Шунингдек, шарқшунослик институтида ва юридик институтида халқаро ҳуқуқ бўйича мутахасис ўқитувчилар ҳам бор.

Собиқ Иттифоқнинг ҳозирги Россия Федерация элчихоналарида ишлаётган ўзбекистонлик дипломатик ходимларни чақириб олиш ва улардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбекистонлик элчилар ўз элию буюк алломаларининг ҳамда мустақил давлатининг обрўйини кўтарадиган, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий амал қиладиган давлат эканлигимизни кўз-кўз этадиган, ўзбекнинг ўзлигини жаҳонга танитадиган кишилар бўлмоғи керак.

Асадулла МАМАТҚУЛОВ.

Отахонлар танбеҳи

НОННИНГ УВОЛИ ТУТМАСИН

Бўстонлиқ — Тошкент вилоятининг тоғли районларидан. Ўзбекистон Социал таъминот вазирлиги томонидан бу ерда уруш ва меҳнат фахрийлари учун «Товоқсой» номли санаторий бунёд этилгани ғоятда хайрли иш бўлди.

Мен мана шу даргоҳда кўрган-кечирганларимни, ҳаратимни баён қилмоқчиман. Санаторийнинг ҳашаматли ошхонасида 700га яқин киши овқатланади. Тамаддидан сўнг уларнинг кўпчилиги юзларига фотиҳа тортмай туриб кетишаётганини кўрасиз. Менинг кузатишимча, айнан мана шундай одамлар исрофгарчиликка йўл қўяётган эканлар. Увол-савобни унутган кимсалардан на нонниг азизлиги, на фотиҳанинг қадрини кутасан киши. Баъзи бой ва юксак маданиятли мамлакатларда хўрандалар овқатланганларидан сўнг ортиб қолган бир бурда, ҳатто бир тишлам нонни ҳам қоғозга ўраб олиб кетишар экан. Бу очкўзлик нишонаси бўлмай, балки нонга бўлган иззату эъзознинг ёркин ифодаси. Бизда эса баъзилар билиббилмай «нон одамдан азиз бўлибдими», дейишади.

Очиғи, исрофгарчиликка ҳозирги ёшларимиз кўпроқ йўл қўймоқдалар. (Мен ўзим кекса бўлганим учун бундай деяётганим йўқ). Кексаларимизда шукроналик, нонга нисбатан эҳтиром бор. Бу азиз неъмат уларнинг ўтмишида ўз қадрини кўрсатган.

Биламан, «Товоқсой» ошхонасида фотиҳа-шукронани билмай, айниқса нон исроф бўлишига лоқайд кишилар ўз уйида ёки маҳалла-кўйда бунинг аксини қилишмас... Лекин одам ҳамма жойда, ҳар қандай вазиятда ўзлигидан чекинмаслиги керак.

Башир ОРИФХЎЖАЕВ,
Сирғали район Навоий номли маҳалла комитетининг раиси.

СЕН ЕТИМ ЭМАССАН

ГУЛИСТОНдаги 27-болалар уйида ўн икки тарбияланувчининг суннат тўйи бўлди. Маҳалла комитети раиси Муродқул Қўлдошевнинг таъкидлашича, бу даргоҳда бунақа воқеа илгари бўлмаган экан.

Тўйга вилоятнинг барча шаҳар ва районларидан меҳмонлар келишди. Албатта, топган гул... деганларидек, ҳар ким қурби етгунча тўёна қилди, 16 минг сўм пул тушди.

— Тўй баҳонасида ётоқхонамиздаги жиҳозлар бутунлай янгиланди, — дейди болалар уйи директори Сайёра Сойипова. — Чойшабдан тортиб ёстиқпўшларимизгача, болаларимизнинг пайпоғидан тортиб қишли қулоқчину рўмолларигача — ҳаммаси меҳрибон кишиларнинг мурувватлари туфайли янги бўлди. Тарбияланувчилар энди бизга совға қилинган компьютерлар билан «тиллалашадилар», кутубхонамизга тақдим қилинган сон-саноқсиз китоблар билан танишадилар. Балки ёрдамчи хўжалик ҳам ташкил қиларимиз, чунки шу куни тўёнага соғин сигир, буқача ва қўйлар ҳам берилди.

Ортиқ СУЛТОНОВ.

● СИРДАРЕ вилоятидаги Ильич пахта тозалаш заводи ишчи-хизматчилари пахтакорларнинг буюртмаларини знёдк билан уддаладилар. Бултур далаларда етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси сифатли қайта ишланди.

"СУРАТЛАРДА: Завод раҳбари Омонқўс Маҳамбетов. Манзура Ўринбоева тайёрлов ишларига ҳамиша бош-қош. Лаборатория мудири Татьяна Туева ва катта лаборант Ғулн Қурбонова тола сифатидан мамнун. Тола ажратиш цехидаги бирорта мурват созловчи Мамарайим Тожибоевнинг нигоҳидан четда қолмайди.

Еркин БОТИР олган суратлар.

УМР БЕҲУДА ЎТМАСИН

Мен мактабимиз педагогик жамоаси олиб бораётган ишларнинг натижасига асосланиб, матбуотда эълон қилинган, республикамиз Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясида муҳокама қилиниши мўлжалланаётган **«Таълим тўғрисида»ги Қонун** лойиҳасининг баъзи бандлари хусусида ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Лойиҳанинг 4-моддасида таянч мажбурий таълимнинг 9 йиллик бўлиши назарда тутилган. Бу муддатни 7 йиллик қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Аслида, ўзимизда қадимда ҳам ўғил бола ёки қиз 12—13 ёшгача савод чиқарган ва ундан кейин яна билим олишга иштиёқ билдирганлари шу йўналишда кетишган, бошқалари эса ҳар хил ҳунарманд ва усталарга шогирд тушишган.

Шунингдек, 18-модданинг **иккинчи хатбошисидаги биринчи жумлани «Фуқаролар касб-кор таълимини умумий таълим мактабларида ва ҳунар-техника билим юртларида олиши мумкин»,** деб ўзгартириш мақбулроқдир.

Қонун лойиҳасида **республикамиз ёшларининг хорижий билим юртларида таълим олиши ёки таълимни давом эттириши ўз аксини топмаган.** Бунинг айни кундаги аҳамияти ҳақида гапириб ўтириш ортиқча бўлса керак. Шунингдек, мактаблардаги бошланғич ҳарбий таълим ва олий ўқув юртларидаги ҳарбий тайёргарлик тўғрисида ҳам ҳужжатда аниқ бир фикр айтилгани яхши. Ўрни келганда, яна бир мулоҳаза: таълимнинг давлат томонидан рағбатлантирилишига 33-модданинг еттинчи хатбошисида **«мазкур объектларни** (педагог ходимлар учун уй-жой ҳамда таълим объектлари) **вақтида ишга туширганлик учун бажарилган қурилиш-монтаж ишлари смета қийматининг 5 фоизига қадар мукофот миқдорини ошириш»** тавсия этилган. Эътибор қилинг-а! Бундай дейиш билан биз **ишларнинг ўз вақтида бажарилишини қонун орқали «бу — ноодатий ҳол» дея таъкидлаб қўймаяпмизми?!**

Умуман олганда, мустақил давлатимизнинг ўз мустақил таълим тизимини яратиш мақсадига хизмат қилувчи мазкур қонун қанчалик тез қабул қилиниб, амалда жорий қилинса ва унга ҳамма вазирликлар, идоралар, муассасалар ва фуқаролар кундалик ҳаётларида астойдил риоя этишса нур устига аъло нур бўлур эди.

Шавкат МАДУМАРОВ,
Тошкент вилояти Қорасув районидаги Нодира номли 15-ўрта мактаб директори, халқ маорифи аълочиси.

МАЪМУРЧИЛИК МАНБАИ—МЕҲНАТ

ИШБИЛАРМОНЛАР КЕНГАШИ

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш асосий вазифа эканлиги ҳаммага маълум. Бу ишда қишлоқ ишбилармонларидан ҳисобланаётган фермерларга кўп нарса боғлиқ. Якка деҳқон хўжаликлари ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ва шу асосда қабул қилинган Вазирлар маҳкамасининг қарори жойларда қандай бажарилмоқда? Фермерларни нималар кўпроқ ўйлантиради? Улар қандай қийинчиликларга дуч келишмоқда? Андижонда бўлиб ўтган қишлоқ фермерлари ва тадбиркорлари вилоят кенгаши қатнашчилари ана шу ва шунга ўхшаш кўплаб саволларга биргаликда жавоб изладилар.

Вилоятда фермерчиликни кенг ривожлантиришга асосан ер етишмаслиги, қурилиш материаллари тақчиллиги ҳалақит бермоқда. Аммо шунга қарамай, фермерлар деҳқончилиқ ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ўз ўринларини топиб олишаяпти. Кенгашда илғор фермер ва қишлоқ тадбиркорларининг иш тажрибасини кенгроқ ёйиш тўғрисида келишиб олинди.

ИПАК ҚУРТИ БОҚИЛМОҚДА

Фарғона вилояти пиллакорлари ипак қурти боқишга киришдилар. Бу юмушни Тошлоқ районидаги «Заркент» жамоа хўжалиги, Ўзбекистон районидаги «Гулистон», Қувасой шаҳридаги «Шарқ юлдузи» давлат хўжаликларининг пиллакорлари бошлаб беришди. Дастлабки кунлардаёқ 18 минг 115 қути қурт уруғи жонлантирилиб, хонадонларга тарқатилди. Шундан 3 минг 594 қутисидан уруғлик пилла ҳосили олинади. Вилоятда бу йилги мавсумда 90 минг қутидан ортиқ қурт уруғи парваришланиб, 5860 тонна Фарғона кумуш толаси хирмони бунёд этилади.

Ҳозир 1396 та пиллачилик бригадаси фаолият кўрсатмоқда. Улар махсус ўқув курсларида қайта малака оширишди. Бироқ пиллакорлар фаолиятида бир қанча муаммолар ҳам бор. Шулардан бири қоғоз масаласидир. Вилоят пиллакорлари эҳтиёжи учун 540 тонна қоғоз керак. Улар эса бор-йўғи 170 тонна олишди. Кўмир билан таъминлаш ҳам қониқарли эмас.

ЯНГИ ҒАЗАЛЛАР

ҚИЛ МУДОМ ФАРҲОДЛИК

Эй азиз халқим, бугун
келмиш кулиб озодлик,
Сенга бўлсин қутлуғ энди
бахтиёрлик, шодлик.
Кўкка бошинг етди, ойни
чал қилиб чирмандалар,
Битди охир жабру кулфат,
ғам, алам бедодлик.
Ўзмишингга бир назар сол:
хору ночор этдилар,
Мусибатлар бўлди қат-қат,
эл эди фарёдлик.
Сенга ҳурлик истаган
фарзандларинг бўлмиш шаҳид,
Қилдилар босқинчилар кўп
беаёв жаллодлик.
Чўри бўлмиш қанча-қанча
ҳуру ғилмон қизларинг,
Қадди дол полвонларингни,
қайда ул шамшодлик!
Мустақиллик васлига етдинг,
уни асраш керак,
Айлама мажнунлик энди,
қил мудом фарҳодлик.
Эй, Мурод, эркинг учун
жонингни тик лозим эса,
Билсанг: бу наслингга ёт
қуллик ила исиодлик.

КЎЗЛАРИНГИЗНИ ОЧИНГЛАР

(Элдошларимга таъна)

Кўзларингизни очинглар,
жўралар, мошдек қилиб,
Элни эзмоқда ғанимлар
қалбини тошдек қилиб.
Ғоҳи «ўзбеклар иши» деб,
ғоҳида «пахта иши»,
Бизни юлғич халқ, демоқда
ўзни ювошдек қилиб.
Қолмади ҳатто Африқо,
Африқода банди эл,
Бошингизни ишлатинг,
сиз ҳам асл бошдек қилиб.
Алдаса битта хўрозқандни
бериб, алданасиз,
Тобакай ўзни юрарсиз
тўрту беш ёшдек қилиб.
Ошингизни ўзгалар ер,
сизга юнди-мундиси,
Уз ошингизни ўзингиз енг,
ахир, ошдек қилиб.
Хўб ажибсиз: доимо
жиққа мушт дўстлар билан,
Шод бўлурсиз шум рақибни
яхши сирдошдек қилиб...
Қош кўяр чоғида доим
кўз чиқармоқ сизга хос.
Қош керак бўлса, қўйинг-да
бир қалам қошдек қилиб.
Жар солиб юрманг Мурадийни
тағин миллатчи деб
Сўзларни тинланг, уни
элдошу қондошдек қилиб.

КЕМАМИЗ

Собиқ СССР хусусида

Авж олар бўрон, мудом
қалқиб туродур кемамиз,
Билмадик, қай бир тараф
йўлин буродур кемамиз.
Е магар бўрон тиниб
сокин бўлур уммон юзи,
Е магар қирғоқ бориб
тошга ўродур кемамиз.
Гарчи тўфон чирпирак
айлаб уни итқитса ҳам,
Енгаман, деб ҳовлиқиб кўп
лоф уродур кемамиз.
Жонимизни бир этиб биз
ўйламай чиқдик, вале,
Ярми сувга ғарқ бўлиб
зўрға юродур кемамиз.
Кемамизу кемамиз деб
чирмашиб олганмиз-у
Англамаймиз қанча вақт
осмон кўродур кемамиз.
Эскириб, беҳад чириб
кетган экан сузгичлари,
Айт, Мурадий, неча кун
даврон суродур кемамиз!!

Мурадхон КАЛОНХОНОВ.

СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

ТОМОША... ҚОЛДИРИЛМАДИ

Тошкентдаги рус ёш томошабинлар театри ўзбек труппаси яхши ният билан Мольернинг «Зўраки табиб» комедиясини саҳналаштирган эди. Спектакль маданиятли доираларда яхши баҳо олган бўлса-да, томошабинларнинг ташриф буюриши кўнгилдагидек эмас. Бунга айниқса... тез-тез ёғиб турган ёмғир ҳалақит бермоқда.

Бу сафар ҳам томошанинг қолдирилишига бир баҳя қолди. Гарчи 130 та чипта сотилган бўлса-да, залда 15 чоғли одам бор эди, уларнинг ҳам 4 нафари ёш болалар. Бунинг устига техник ходимлардан кимдир ва асосий роль ижрочиларидан бири келмабди. Томоша бошқа кунга кўчириладиган бўлди. Шунда ташриф буюрганлар астойдил норозилик билдиришди, пулларини қайтариб беришни талаб қилишди. Айниқса шаҳарнинг энг чеккаси — Юнусободдан келганлар жуда баланд шовқин кўтаришди. Ташқарида ёмғир селдек қўйиб турибди, норозилик авжига чиқмоқда. Шу орада кечиккан актриса келиб қолди. Тортишувлардан кейин томоша бошланди. 400 кишилик залга 30 нафарга яқин одам тўпланди. Бироқ икки ярим соатдан кўпроқ давом этган спектакль юқори маҳорат билан муваффақиятли намойиш этилди.

ТТТ (театрга тушиб туринг)!

ЗАМОНА ЗАЙЛИ

Ниҳоят, шифокорларни мижозлардан нақд пул олаётганда «қўлга тушириш» имкони пайдо бўлди. Бу ерда пул тўламасанг, маслаҳат ҳам беришмайди, ҳатто касалланган тишни (суғуриб) олишда ҳам чўнтак кавлаш талаб қилинади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, кўришнинг ўзи — 3 сўм, бир тишни даволаш — 20 сўмдан 80 сўмгача, оғриган тишни олдириш — 30—40 сўм атрофида. Бу нархлар кооператиадан анча арзон бўлиб, янада ошиши кутилаётган экан. Гап нимадалигини билмоқчи бўлсангиз, 10-тиш даволаш поликлиникасининг Чилонзордаги хўжалик ҳисобида ишлаётган шохобчасига ташриф буюринг. Унинг манзили — «Чилонзор» метро бекатидан Фарҳод бозорига кетишда чап тарафда, каллакланган дарахтлар қаршисида.

Эътиборингизга бундай шифохоналар сони 10 га яқинлашиб қолганини ва бу тиббий хизматни пулли қилиш йўлидаги дастлабки қадамлар эканини таъкидлаш жоиздир.

УЛУҒБЕК БЕКАТИ

Пойтахт метрополитени бекатларини қайта номлаш давом этмоқда. Энди «СССР 50 йиллиги» сўзлари ўрнига Шарқнинг буюк мунажжими ва давлат арбоби Улуғбек номи янграйдиган бўлди. Бекатда дастлабки жузъий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди, бироқ йўловчиларга диктornинг янги номни эълон қилиши чўзилиб кетмаса бўлгани.

Бу ўзгариш метрополитендаги иккинчи янгилик. Энди навбат «Комсомол», Пушкин номли, Максим Горький номли бекатларга ҳам етиб келса ажаб эмас.

Ҳаким САТТОРИ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ. 10-туғруқхона мутахассислари чақалоқлар ва оналар ўртасида касалланишнинг энг паст даражасига эришмоқдалар. Ўтган йили ана шу тиббий даргоҳда бирорта ҳам аёл ўлими ҳодисаси рўй бермади.

— Туғруқхонамиз ҳеч кимдан ўз ёрдамини аямайди, — дейди бош шифокор ўринбосари С. Г. Автухова. — Бизга пойтахтнинг Сирғали, вилоятнинг Зангиота ва Янгийўл районларидан ҳам тез-тез мурожаат этиб туришади. Ҳар йили 4 мингга яқин ўғил-қиз дунёга келмоқда.

СУРАТДА: чақалоқлар бўлимида.

С. ВЕЛИЧКИН олган сурат.

ТЕМИР ХОТИН БИЛАН УЧРАШУВ

САМАРҚАНД. Ўзбек драматик театри ҳамда опера ва балет театри негизида янги санъат кошонаси барпо этилди. Томошабинларга илк бор Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» пьесаси асосида яратилган «Темир хотин» спектакли кўрсатилди. Уни Ўзбекистон халқ артисти Тагнаберди Қурбонов саҳнага қўйди. Асосий ролларни Зулфия Муҳиддинова ва Баҳтиёр Раҳимов ижро этдилар.

СУРАТДА: «Темир хотин» спектаклидан бир кўриниш.

Ғ. ҒОФУРОВ олган сурат.

(ЎзА).

ҚЎШИҚ СЕҲРГАРИ

Дам олиш куни. Эрталабдан майдалаб ёмғир ёға бошлади. Маҳалла чойхонасига чиқдим. Одамлар анча гавжум, суҳбат авжида эди. Шу пайт чойхўр отахонлардан бири «анчадан бери кечагидек мириқиб қўшиқ тингламаган эдим» деб қолди. «Ҳа, унинг айтган қўшиқларини қанча эшитсанг ҳам зерикмайсан, барака топсин, биз ҳам мириқиб тингладик-да», — деди яна бошқа бир қўшиқ шайдоси.

Дарҳақиқат, кеча телевидениеда Орифхон Хатамовнинг ижодига бағишланган кўрсатув ташкил қилинган эди. Чойхонадаги суҳбат ана шу ҳақда экан.

Суҳбатдан анча таъсирланиб уйга қайтдим. Хаёлимдан кўп қўшиқ-куйлар бирма-бир ўта бошлади. Алишер Навоийнинг «Қаро кўзим» ғазали билан айтиладиган «Ушшоқ», «Келмади» радифдаги ғазали билан айтиладиган «Муножот», Огаҳийнинг «Феруз», Мискиннинг «Изларман» қўшиқлари сўзини хаёлингиздан ўтказсангиз, мусиқаси қулоғингизда жаранглаб тургандек бўлади, агар куйини хиргойи қилсангиз ғазал сўзлари беихтиёр дилингизда такрорланади. Чунки ғазал билан куй мазмуни ўзаро уйғунлашиб бир-бирини тўлдиради.

Мана шундай қўшиқларни устоз ҳофизларимиздан Мулла Тўйчи, Акбар Ҳайдаров, Домла Ҳалим Ибодов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқовлар ўз даврида маромига етказиб куйлаб, ҳалқимиз олқишига сазовор бўлган бўлсалар, бугунги кунда бу анъанани давом эттираётганлардан бири Орифхон Ҳотамовдир.

Аввало Орифхон Хотамовда бастакор ва хонандага хос иккита хусусият мужассамлашган. Бири эшитиш қобилиятининг ўта нозиклиги бўлса, иккинчиси ижро этадиган ашулани ва куй басталайдиган ғазалнинг мазмунини чуқур англаб олишдадир.

Бир куни ҳазрат Навоийнинг икки мисра ғазалини ўқиб бердилар-да, унинг мазмунини тушунтириб беришимизни сўрадилар. Менинг мулоҳазаларимни эшитгач, бир лаҳза хаёл суриб турдиларда, «мен басталаган куйни бутунлай бузиб юбордингиз, бошқатдан ёзишга тўғри келади», деган эдилар.

Шундай ривоят бор: Бир куни чориёрлардан энг кенжаси Ҳазрати Алидан сўрабдурлар: «Эй Али Шери худо қайси вақтда сизнинг тананингизни қилич кесадур» — шунда Ҳазрати Али: «Мен Номоз ўқиётганимда бутун борлиғим гўё симобдек эриб турадур» деган эканлар. Орифхон Хотамов ҳам хониш қилганда бутун борлиғи завққа тўлиб, гўё симобдек эриб ижро этадилар. Бу эса қўшиқ шинавандаларини ўзига ром этиб, уларга ҳузур бағишлайди.

Фикримнинг далили учун шуни айтмоқчиман, бундан бир-икки йил илгари, кичик бир даврада, Орифхон Хотамовнинг ижоди ҳақида Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўла — «Бугунги кунда классик ашулаларни Орифтон Хотамовдек ширали овози билан, ўзига хос услубда, маромига етказиб, мафтункор ижро этадиган хонанда йўқ, десам хато қилмаган бўламан. Унинг ижрочилик маҳоратининг юксаклиги ва мусиқасининг таъсирчанлигию мафтункорлиги шундаки Орифхон Хотамов мусиқа услубларини яъни Тошкент услуби, Фарғона, Хоразм ва бошқа услубларни бир-бирига қўшмасдан алоҳида, соф ҳолда ижро этади», — деган эди.

Мен севимли ҳофизимиз билан Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитасида 25 йилдан зиёдроқ бирга ишлаганман. Бир куни Орифхон акадан — «Ҳаётингизда ҳеч ёддан чиқмайдиган бирор воқеа рўй берганми?» — деб, ўраган эдим — «Ҳа, ёшлигимданоқ санъатга қизиқар эдим, — дедилар Орифжон ака чуқур ўйга толиб. Билиб-билмай дуторни чертиб ҳиргойи қилиб юрардим. Бирор жойда санъаткорлар йиғилишиб қолсалар (устозлар тез-тез йиғилишиб туришарди) хизматини қилиб юрар эдим. Шундай кунлардан бирида Маъмуржон ака мени ёнига чақириб: «Орифхон кел, қани бизга ўзинг севган қўшиқдан биттасини айтиб бер», деб қолдилар. Даъфатан бироз шошилиб қолдим. Дуторни созлар эканман қўлим нуқул титрарди. Бу ҳолимни устоз сездилар шекилли — «Шошмасдан, паст пардада ол» дедилар. Мен биринчи бор Алишер Навоийнинг «Вафо қилсанг» радифидаги ғазали билан айтиладиган «Тошкент ушшоғи»ни айтиб бердим. Шунда Маъмуржон ака — «Овозинг ёмон эмас. Лекин яхши овози борларнинг ҳаммаси ҳам санъаткор бўлавермайди. Санъаткорлик оғир меҳнат, санъат халқники дейдилар, халқни алдаб бўлмагандек, санъатни ҳам алдаб бўлмайди. Ҳалол, катта меҳнат эвазигагина мақсадга етишиш мумкин. Шу боисдан яхшилаб ўйлаб кўр. Ярим йўлда ташлаб кетадиган бўлсанг, яхшиси бу йўлга кирма», — дедилар, ва — сенга ишонса бўлади, деб қўшиб қўйдилар.

Ўша куни кечаси билан мижжа қоқмадим. Устознинг сўзлари хаёлимда қайта-қайта такрорланар эди: «сенга ишонса бўлади». Охирги сўзлари менда санъатга катта умид боғлади. Кейин билсам, бу кириш имтиҳони экан. Устозлардан кўп нарсани ўргандим. Устозсиз санъатнинг нозик сирларини, усулларини билиб олиш қийин. Халқимиз — «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар», деб бежиз айтмаган.

Бугун Орифхон Ҳотамов қаттиққўл, талабчан, айни Ў кишининг шогирдлари Матлуба Дадабоева, Маҳбуба Ҳасанова, Бекназар Дўстмуродовлар радио даргоҳига илк бор қадам босганларида пайтда меҳрибон устоздир. ёш қизча ва йигитчалар эди. Бугунги кунда қўшиқ шайдолари ойнаи жаҳон орқали ёки радио тўлқинларида уларнинг чиқишларини илҳақ бўлиб кутадилар.

Маҳалламиздаги чойхонамизга тўпланиб Орифхон Ҳотамовга олқишлар айтган мухлислари номидан бу камтарин санъаткорга сиҳатсаломатлик, машаққатли ижод йўлида бундан ҳам улкан ютуқлар тилаймиз. Шогирдлари кўпаяверсин, эл-юрт ичида ҳурматга эришаверсин.

Ғ. ЖАББОРОВ.

• СПОРТ •

БОКС

АНГРЕН шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича Ўзбекистон биринчилиги ғолиблари аниқланди. Уз вазн тонфаларида тошкентлик Х. Аҳмедов, М. Саркисов, бухоролик О. Чейкин, самарқандлик Д. Ербеков ва Р. Панарин, жиззахлик Д. Каримов, Тошкент вилоятидан Э. Кемалов, Б. Беласаров, Ф. Бақиров ва А. Имомов республика чемпионлари бўлдилар.

ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ

«АНДИЖОН ЮЛДУЗИ» жамоаси сафардан қайтиб келди. Спортчиларимиз Голландияда ўтказилган мусобақаларда қатнашишди. Улар 12 жамоа иштирок этган беллашувларда рақибларни доғда қолдириб 1 ўринни эгаллашди. Жамоанинг беш аъзоси ёзда Барселонада ўтказиладиган олимпиада ўйинларида иштирок этадиган МДҲ терма жамоасига номзоддир.

ХОККЕЙ

ЧЕХОСЛОВАКИЯда жаҳон биринчилиги бошланди. Россия байроғи остида қатнашаётган терма жамоа биринчи учрашувни Швейцария командаси билан ўтказди. Ҳисоб — 2:2.

ФУТБОЛ

МОСКВАда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда Англия терма командалари ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Ўйинда кучлар тенг келиб, ҳисоб 2:2 бўлди.

ШОҲМОТ

ЖАҲОН биринчилиги учун даъвогарларнинг ярим финал учрашувлари ниҳоясига етди. Англиялик Н. Шорт А. Карповни, голландиялик Ян Тимман А. Юсуповни бир хил ҳисоб — 6:4 ҳисобида мағлибиятга учратдилар. Шундай қилиб, ҳар икки ғолиб финал матчида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ПОЙТАХТДАН САНЪАТКОРЛАР КЕЛИШДИ

НАМАНГАН. 30 апрель. (Ўз мухбиримиздан). Баҳор Ўзбекистонда байрамлар мавсумидир. Шунинг учун меҳнаткашларнинг баҳорги юмушлари муваффақиятли кечиши учун кўнгилочар тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Кеча Наманганга хизмат кўрсатиш мақсадида пойтахтдан таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар ва бошқа ижодий зиёлилар ташриф буюришди. Улар орасида халқ суйган шоирлар — Омон Матжон, Жуманиёз Жабборов, Азим Суюн, Муҳаммад Юсуф, Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов, хушовоз хонанда Аҳмаджон Шукуров, шоир ва ҳофиз Дадаҳон Ҳасан, «Камалак» нашриётининг бош муҳаррири Нормурод Назруллаев ва бошқалар бор.

Ижодий жамоалар гуруҳларга бўлиниб, вилоят саноат корхоналари, олий ўқув юртлари, жамоа ҳамда давлат хўжаликларида бўлдилар. Улар бугун Мингбулоқ нефть кони бунёдкорлари билан учрашиб, уларга маданий хизмат кўрсатадилар.

Р. ИРИСОВ.

ХАЛҚАРО ТАНЛОВ

ШАҲЗОДА ОҒАХОН МУКОФОТЛАЙДИ

ҚАДИМИЙ Регистон майдонида барпо этиладиган Улуғбек маданий марказининг энг яхши лойиҳаси учун халқаро танлов эълон қилинганлиги хусусида илгари хабар бергандик. Уни моддий жиҳатдан таъминлаш, яъни ғолибларни тақдирлаш учун 500 минг доллар ажратишни Шаҳзода Карим Оғахон жамғармаси ўз зиммасига олганди.

Яқинда Самарқанд шаҳри ҳокимиятида ғолибларга пул мукофотларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди. Мукофотларни Оғахон жамғармаси бош котиби Суха Озлан жаноблари тақдим этди.

Дарвоқе, шаҳзода Оғахоннинг ўзи ким, жамғармаси қаерда, унинг мақсадию мазмунмоҳияти нимадан иборат? Муштарийларимизда шундай савол туғилиши табиий.

— Оғахон аъло ҳазратлари шиа мазҳабига мансуб Исмоилий имомларининг қирқ тўққизинчисидир, — деди биз билан суҳбатда жамғарма матбуот котиби Муҳаммад Кешавжи. — У ҳозир 56 ёшда. Шаҳзодаларнинг бобоси Миллатлар Лигасининг президенти, отаси Шаҳзода Али Покистоннинг БМТдаги элчиси бўлган. Отабоболари анъанасига садоқатли аъло ҳазратимиз халқаро иқтисодий, инсонпарварлик, маданият ва маърифатни ривожлантириш тадбирларида бажонидил иштирок этиб келмоқдалар.

У соҳиб бўлган жамғарма маданият, санъат, дину имон тараққиётига кўмаклашишни ўз фаолиятининг бош йўналишларидан, деб ҳисоблайди. «Оғахон маданият жамғармаси» алоҳида мустақил йўналишга эга. Қароргоҳи Женева шаҳрида жойлашгандир.

Маданият жамғармаси фаолиятининг энг муҳим соҳаларидан бири — меъморлик. Жамғарма ҳар уч йилда жаҳон миқёсидаги энг яхши меъморий лойиҳаларни мукофотлаш учун 500 минг доллар пул ажратади.

Сўнгги йилларда жамғарма қадимий шаҳарлар асл кўрку жамолини тиклаш, меъморий ҳамда исломий обидалар умрини узайтириш дастурларини кенг қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, Истамбул, Марокаш, Қоҳира сингари Шарқ дурдоналари қиёфасини гўзаллаштириш соҳасидаги лойиҳалар учун ана шу мукофот ажратилди.

Самарқанддаги Улуғбек маданий маркази лойиҳаси учун халқаро танлов эълон қилинганда 60 мамлакатдан 678 меъмор иштирок этди. Таниқли мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати энг яхши лойиҳалардан бештасини танлаб олди.

Мукофотлар танлов ғолиблари ва уларнинг вакиллари Хироши Ота (Япония), Патрин Бергер (Франция), Христофор Моллер (Англия), Уайл Арнаголга (АҚШ) тақдим этилди.

— Лойиҳалар ичидан ягона мақбули танлаб олинадими ва уни ҳаётга тадбиқ этишга умид боғлаш мумкинми? — деган саволимизга жаноб Кешавжи:

«Шубҳасиз. Аввало Женевада холис ҳакамлар ҳайъати янада синчиклаб иш олиб борадилар. Ягона лойиҳа танлангандан кейин уни амалга ошириш устида ҳамкорликда ишлаймиз, деган умидимиз бор», — деди.

Ҳабиб ТЕМУР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

АНГРЕН КАРТОН ҚУТИЛАР КОМБИНАТИ

Барча корхоналар, ташкилотлардан нақд ва нақдсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан чекланмаган миқдорда

ЧИҚИНДИ ҚОҒОЗЛАР

қабул қилади.

Бир тонна чиқинди қоғоз нархи:

нақд пулда — 1.500 сўм,

нақдсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан — 3,200 сўм.

Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: 702500, Ангрен шаҳри, Гулбоғ қўрғони, картон қутилар комбинати.

Телефонлар: 3-49-75 (кечаю кундуз), 3-78-28 (шанба ва якшанбадан ташқари соат 8 дан 17 гача).

«Агропромремонт»га қарашли Автотранспорт бирлашмаси жамоаси бирлашманинг бош директори А. В. Қаюмовга отаси

Ваҳоб Ёқубович ЁҚУБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Анвар ЖУРАБОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Таҳририятга ҳажми 9 бетдан ортиқ мақолалар қабул қилинмайди. Топширилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

Алоқа учун телефон: 33-07-48. Индекс: 64608. Буюртма Г—143.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй. 100000 нусхада чоп этилади. Босишга топшириш 21.00. Босишга топширилди: 21.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12